

RESEARCH ARTICLE

What is more important in translation: equimetry or impression?

Zuhriddin Isomiddinov

Candidate of Philological Sciences, Honored Cultural Worker of Uzbekistan, Chairman of the Literary Translation Council of the Writers' Union of Uzbekistan

VOLUME: Special Issue 2026

PAGE: 04-06

Copyright © 2026 European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, this is an open-access article distributed under the terms of the Creative Commons Attribution-Noncommercial-Share Alike 4.0 International License. Licensed under Creative Commons License a Creative Commons Attribution 4.0 International License.

Abstract

This article examines the translation skills of the famous translator Shoislom Shomuhamedov, who translated thousands of rubai, hundreds of ghazals and dozens of epics (including the Shahnameh) from the Persian-Tajik language into Uzbek. It is also emphasized that poetry can be created in almost any meter of the Uzbek language, and most importantly, that the study of Persian ghazals and rubai gives the reader the opportunity to more deeply feel poetry and the spirit of the era.

KEY WORDS

equimetry, impression, rubai, ghazal, epic, mastery of translation, aruz, beyt, Shahnameh.

INTRODUCTION

Бу воқеага олтиш йилча бўлди. Менга эса, куни кечагидек туйилади... Кўплар билади, ўшнинг ўртасида Сулаймон тоғи бор. Эски замонларда ҳар чоршанба куни ўш халқи тоққа зиёратга ошиқар эди. Нимага чоршанба куни, дейсизми? Чоршанба – муродбахш кун эмиш...

Мен ўспирин бола чоғим, бир чоршанбада кўпчиликка эргашиб, тоққа ўрладим. Юқорида одамлар тошга ўйиб ёзиб қолтирган исмини, яшайдиган шахри номини кўрдим, аммо яна баландроқда узунроқ бир ёзув битилганига кўзим тушди. Нима экан, дея бориб, тошга хирагина чекилган, айрим жойлари ўчиб кетган шундай байтни ўқидим:

Бир ғариб кўнглини эта олсанг
шод,

Яхшидир дунёни қилгандан
обод...

Ҳайрон қолдим, ким бу шеърни тошга ўйиб ёзган экан?

У кимнинг байти, ёзган шоири ким, ҳали билмасдим. Тоққа чиқиб, байтни тошга ўйиб ёзган кишининг ҳам оти йўқ. Аммо бир ғариб ўсган, кўнгли синиқ бир одамни кўргандай бўлдим: у бу байтни қайсидир китобда ўқиган. Қалбига жаз этиб теккан. Сўнг болғая чўкич олиб тоққа чиққан. Узоқ вақт уриниб, бу байтни тошга ўйиб ёзган, ўз наздида – абадиётга муҳлаган.

Ғариб бир кўнглининг шикаста фарёди эди бу. Дилдош қидирган, топа олмаган, аммо умиди сўнмай, нотаниш кўнглидошларига туйғуларини шундай байт орқали етказишга жазм қилган.

Орадан талай йиллар ўтди. Мен кейинроқ бу байт Умар Хайём рубойисидан олинганини билдим. У тўлиғича бундай экан:

Бир ғариб кўнглини эта олсанг

Яхшидир дунёни қилгандан обод.

Лутфинг-ла бир дилни қул қила

олсанг,

Афзалдир юз қулни қилгандон
озод.

Бу мисраларни аслида Умар Хайём эмас, шарқшунос олим, профессор Шоислом Шомухаммад битган. Яъни, у кишининг тар-жимаси. Шоислом ака рубойни ҳар бир кишининг қалбига етиб бориб титратадиган қилиб ўгирган.

Ҳа, чин инсоний, мазмуни теран, ифодаси мукамал шеър юракка ўйилиб қолади. Бу ерда бирон раҳбарнинг буюртмаси йўқ, атайин силлиқланган, кўзга ялт этиб ташланадиган тош ҳам йўқ. Бори – дил тубидан чиққан миннатдорлик ҳисси.

Албатта, ўзбек адабиётида шоирлар кўп ўтган. Ҳар бири – сўз устаси. Уларнинг шеърини мактабда ўқиган пайтимизда ёд-ла-ганмиз, йиғилишларда ўқиганмиз. Ашула бўлганлари қанча. Энг ёққанларини ёндафтаримизга кўчириб олиб, ора-орада ўқ-иб тураимиз. Аммо... кимнингдир бирон байтини, нотаниш бир одам дил амри билан тоққа чиқиб тошга чеккан, айта ола-сиз-ми? Менинг бил-ганим, бу Ўш тоғида, Шоислом Шомухаммедов тар-жима-си-да-ги бояги байт.

Шоислом домла эса минглаб бундай рубойи ва достон-лар-ни, неча юзлаб ғазал, ўнлаб катта-кичик достонларни (улар ора-сида “Шоҳнома” каби улкан эпик асарлар ҳам бор) форс-то-жик тилидан ўзбекчага қойиллатиб ўгирган. Бироқ устоз ўз тар-жималари ҳақида кам гапирар, мақтовларга ҳечам “эриб” кет-мас, танқидий фикрларга ҳам аҳамият бериб, қизишиб ўтирмасди.

Иккинчи Жаҳон уруши жанггоҳларидан ярадор бўлиб қай-тиб келган, жони гаровга қолган Шоислом Шомухаммедов оғ-ир-босиқ табиати, гап ўрнига иш билиши билан ажралиб ту-рар-ди. Рўдакий, Фирдавий, Деҳлавий, Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз ка-би талай форс-тожик шоирининг шеърларини бирин-ке-тин ра-вон ифода билан ўзбекчалаштирган.

Аммо мана шу ўринда нозик бир масала ўртага чиқади. Мум-тоз сўз санъати билимдонлари бўлган олимлар, ўзбек ти-ли-да арузнинг деярли барча вазнида ижод қилиш мумкин ва энг муҳими – форсий ғазалу рубойларни ўз баҳрида ўгириш ки-тоб-хонга шеърни, давр руҳини теранроқ ҳис этишига йўл очади, де-йишади. Бу тўғри гап,

бунинг устига, амри маҳол иш ҳам эмас.

Шеърый асар ўз вазнида бошқа тилга таржима қилинса, у на-фақат эквиритмик, балки эквиметрик ҳам таржима ҳисоб-ла-на-ди. Унга эришиш қийин, аммо сўз санъатида бундай мўъ-жи-за-лар кам эмас. Айниқса, ҳар икки тилда бир хил шеърый ти-зим-лар мавжуд бўлса. Форс-тожик ва бирқанча туркий тиллар-да аруз тизими бор бўлгани сабабли ҳар қандай ғазал ё рубойни, дос-тон ва қасидани ўз вазнида бошқа тилга ўгириш мумкин.

Шундай экан, Умар Хайём рубойларини ўз вазнида тар-жи-ма қилиш энг маъқул ва бирдан-бир тўғри йўл бўлиб кўринади. Ам-мо форс-тожик поэтикасининг шайдоси бўлган, уни хал-қи-миз-га энг кўп тарғиб этган Шоислом Шомухамедов, юқорида кўр-ганимиздай, бу рубойларни ўз вазнида (– v v – v – v – – v v –) эмас, балки бармоқ тизимининг – 11 бўғинли вазни (6+5)га солиб ағдарган:

Улик-тирик ишин тузаткувчисен,

Тарқоқ коинотни кузаткувчисен.

Ёмон бўлсам ҳамки, сенинг бандангман,

Мен нима ҳам қилай? Яраткувчи – Сен.

Кўрамизки, форсий сўз санъатининг биздаги энг отоқли тар-ғиботчиси бўлган Шоислом домла, гарчи бир талай асар-лар-ни арузда ўзбекчалаштирган бўлса ҳам, асосан бармоқ тизи-ми-ни маъқул кўрган. Қизиқ, устознинг бундай йўл тутишига сабаб ни-ма? Бежиз эмасдир?

Боиси шуки, ўзбекнинг шеърый танглайи бармоқ (ҳижо) ваз-ни-да кўтарилган. Бутун халқ оғзаки ижоди – достонлар, қў-шиқ-лар бармоқда. Гарчи кейин форсий адабиёт таъсирида аруз етак-чи шеър тизимига айланган бўлса-да, бармоқ тизимига ман-суб шеърлар ҳамиша эл оғзида яшаб келган. Яъни, ўзбек-нинг шеърый тафаккури азалдан бармоқ тизими йўриғида ша-кл-ланган. Форс-тожик достонлари шаклан маснавий бўлса, ўз-бек фольклор достонларига қўшмисра қилиб қофиялаш ва ба-нд-лаш хос эмас.

Домла шуни ҳисобга олган бўлса керакки, ана шундай ўзбе-ко-на-туркона қилиб ўгиришни маъқул топди, буни ижодий прин-ципга айлантирди.

Энди ўзингиз баҳо беринг. Масалан, Рўдакийнинг:

Гар киши олмас ҳаётдан таълим,

Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса
бутун,

Дўстлар дийдоридан бўлолмас
устун

ка-би байтлари форс-тожик мумтоз сўз санъатида ҳам дурдона са-налади, аммо ўзбекча таржималарда улар нафақат дур, балки жи-ло берилган олмос – гавҳарга айланди, аслиятига қараганда ҳам кўпроқ шухрат қозонди-ку.

Пировард-натижада, ўқувчига асарнинг қайси вазнда ўғирил-гани эмас, ундаги маъно, ижодкорнинг бадиий нияти тў-лиқ-роқ етиб боргани, илмий тилда айтадиган бўлсак, импрес-си-яси (ўқучининг таъсирланиши) муҳим.

Камина, бир таржимашунос сифатида шунга ишонаманки, ба-и-шарти Ш.Шомухаммедов шу байтларни аруз йўриғида ўғир-га-и-нида, “тўлақонли”, “адекват” деб баҳолаш учун назарий асос-лар кўпроқ бўларди, аммо лекин ўзбек китобхонини бу қадар ўзи-га жазб эта олмаслиги ҳам аниқ эди.

Бунини далиллаш ва ишонч ҳосил қилиш учун бояги рубо-ий-нинг бармоқ ва аруз тизимида солиб ўғирилган икки таржи-ма-си-ни кўриб чиқайлик:

Бир ғариб кўнглини эта олсанг шод,

Яхшидир дунёни қилгандан обод.

Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,

Афзалдир юз қулни қилгандон озод.

(Шоислом Шомухаммедов таржимаси)

Билгилки, ғариб кўнглини бир шод этмоқ

– Сездир нечаким – жаҳонни обод этмоқ.

Лутфинг била айласанг асир бир дилни

Ҳеч қошида мингта қулни озод этмоқ.

(Эргаш Очилов таржимаси)

Бу таржималарнинг бири бошқасидан кам эмас. Кўзга таш-ла-надиган нуқсон ҳам йўқ. Буниси аруздаги, униса эса бар-моқ-да-ги мукамал тўртлик дейиш мумкин. Ҳатто арузий ру-бо-ий-нинг бир устун томони, “бир ғарибнинг

кўнглини шод этмоқ” эмас, балки ғариб бир одамнинг дилини ҳатто бир бор шод эт-моқ ҳам дунёни обод қилишдан афзаллиги равшан акс этган.

Аммо барибир, ўзбек ўқувчиси учун бармоқдаги таржима мақ-булроқ. Шеърдаги бадиий маъно унда тиниқ акс этган. Бу-нинг устига, арузий таржима матнида “Сездир нечаким”, “Ҳеч қо-шида” каби ифодалар бирқадар форисёна синтактик хоссага эга экани ҳам бор гап.

Таржима осон иш эмас. Гоҳо бир жумла, ё биттагина сўз акс эт-тирган маъно товланишларини ўзга бир тилда акс эттириш – ко-ни азоб. Шоислом Шомухаммедов ҳам бундай ҳолларга так-рор-такрор дуч келган. Ўзининг ёзишича, “Гулистон” (Саъдий) тар-жимаси устида уни кузатиб турган Ғафур Ғуллом, “Ўз-бек-ми-сан? Ўзбек бўлсанг – топасан, топ!” – деб далда берар экан.

Не-не мушкул шеърий ифодаларга ўзбекча муносиб эваз то-па олган ва ўзбек маърифатига бекиёс хизмат қилган, тўқ-сон-дан ортиқ илмий монография ва таржима китоблари чоп этил-ган, ўнлаб ёш шарқшуносларни илм даргоҳига етаклаган ал-лома ҳозир ҳаёт бўлса, юз тўрт ёшдан ошарди.

Бу улўф устознинг ўшлик нотаниш бир китобхон ҳисларини жун-бушга солган бояги бир байт таржимаси ушбу мақоланинг ёзилишига тўртки бўлди.